

5. Le Coq. Chuastuanift, ein Sündenbekenntnis der manichäischen Auditores. Gefunden in Turfan (Chinesisch – Turkistan). – Abhandlungen Wissenschaften, 1910, Anhang, 4. –С. 3-43.
6. Le Coq. Türkische Manichaica aus Chotscho, 1, – Abhandlungen der Preussischen Akademie der Wissenschaften, 1911, №6, –С. 3-61.
7. Radloff W. Chuastuanit, das Bussgebet der Manichäer. –St. Petersburg, Buchdruckerei der Kaiserlichen Akademie der Wissenschaften, 1909. –С. 10.
8. Radloff W. Chuastuanit, das Bussgebet der Manichäer. –St. Petersburg, Buchdruckerei der Kaiserlichen Akademie der Wissenschaften, 1909.
9. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. –Москва-Ленинград: Изд. АН СССР, 1951. –С. 108-130.
10. Дмитриева Л.В. Хуастуанифт (Введение, текст, перевод), –Тюркологические исследования, –М-Л.: Изд. АН СССР, 1963, –С. 214-232.
11. Asmussen J.P. Huastvanift. Studies in Manichaeism. – Copenhagen, Prostant apud Munksgaard, 1965.
12. Хуастванифт (Манихейское покаяние в грехах). Предисловие, транскрипция уйгурского текста, перевод Л.Ю.Тугушевой. Комментарий А.Л.Хосроева, Факсимиле текста. –Санкт-Петербург: Нестор-История, 2008. –С.82.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада эски уйғур ёзуви ёдгорликларидан бири – «Хуастуанифт» ўрганилган. Ёдгорликнинг қўлёзма нусхалари, тадқиқи, жорий қилиниши бўйича маълумотлар берилган. Ёдгорликда учрайдиган, қорақалпоқ тилининг тарихий лексикасини тадқиқ қилишда қимматли маълумотлар берадиган сўзлар аниқланган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается один из уйгурских старописьменных памятников «Хуастуанифт». Приводятся сведения о рукописных вариантах памятника, об его изучении и публикации. В результате исследования определён лексический состав содержащий ценные сведения об исторической лексике каракалпакского языка.

SUMMARY

The article is devoted to one of the Uyghur old manuscript monuments – «Huastuanift». It contains the Information about the manuscript versions of the monument. In the result of the investigation the author defined the word stock giving valuable information on the historical vocabulary of the Karakalpak language.

ШАХС ХУСУСИЯТИНИ ИФОДАЛОВЧИ РУСЧА ЎЗЛАШМА ИБОРАЛАРНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

М.Абдиев – филология фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Таянч сўзлар: фразеологизм, ўз қатлам, ўзлашма қатлам, калька, калькалаш, таржима, жараён, сўз ўзлаштириш, луғат таркиби, грамматик қурилиш, лексема, сўзлашув нутқи.

Ключевые слова: фразеологизм, пласт родного языка, взаимный пласт, калька, калькирование, перевод, процесс, заимствованное слово, словарный состав, грамматический строй, лексема, разговорная речь.

Key words: phraseological unit, native layer, mutual layer, tracing-paper, tracing, translation, process, borrowed word, vocabulary, grammatical structure, lexeme, spoken language.

Маълумки, ҳар бир тил ўз луғат таркиби ва грамматик қурилиши негизда ички тараққиёт қонунлари асосида ўсиб, такомиллашиб боради. Шу боис у ёки бу тил жамоаларининг ўзаро алоқаси натижасида бир тил иккинчисини бойитиб боради. Халқлар орасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар туфайли бир тил қурилишига хос элементлар (асосан луғавий бирликлар, қисман грамматик ва фонетик бирликлар) иккинчи бир тилга ўтиб, ўша тилнинг мулкига айланади. Тилшунос Ш.Балли “Француз стилистикаси” номли асарида тиллар орасидаги алоқа асосан икки нарсага сўз ёки ибора ўзлаштириш ва калькалашга таянади, деган фикрни таъкидлаган эди: “... ўзлашма ва калькалар нафакат тилшунослик томонидан, балки жамоатчилик қизиқиши ҳамда халқлар ўртасидаги маданий ўзлашмаларни ва бир маданиятнинг иккинчисига таъсирини ифодалаш мақсадида ишлатилади” [1:68]. Ана шу боис ҳар қандай тил луғат таркибининг икки қатламга ажратиш мумкин: а) ўз қатлам, б) ўзлашган қатлам.

“Ўз қатлам” дейилганда, асли шу тилники бўлган сўзлар, иборалар ва шулар асосидаги ясашиллар, шунингдек ўз аффикс билан бошқа тил лексемаларидан ҳосил қилинадиган ясашиллар тушунилади. алоҳида-алоҳида ўрганилган.

Ш.Раҳматуллаев ўзбек тилшунослигида ўзлашма фразеологизмларнинг илк тадқиқотчиларидан бири саналади. У ўзбек тилидаги ўзлашма фразеологизмларни ўзлаштира иборалардан фарқлашга интилади. Олимнинг мулоҳазасига кўра, бу фарқлар қуйидагиларда кўринади:

“1) Ўзлашма фразеологик бирликлар сўзма-сўз таржимадангина иборат бўлади. Бунда иккинчи бир тилдан ҳам маъно, ҳам форма (шакл) қабул қилинади (худди шу сўзларнинг эквиваленти келтирилади): китайская стена – хитой девори каби.

Ўзлаштирама фразеологик бирликларда эса, маъно

сақлангани ҳолда, бу маъно янги форма (ўзлаштирувчи тилнинг ўз сўзлари) орқали ифодаланади, яъни ибора қабул этувчи халқнинг турмушига татбиқ этилади, шунга кўра бу коллектив (жамоа) тилидаги сўзлар ёрдамида шакллантирилади: *плясать под (чьё-нибудь) дудку – чилдирмасига оёқ ташламоқ* каби.

2) Ўзлашма фразеологик бирликларда ҳам маъно, ҳам форма (сўзлар) танлашда бўлган эркинлик бир маънони ифодаловчи бир неча вариантларнинг келиб чиқишига йўл очади. Ўзлаштириш биринчи вақтларда индивидуал ҳолда бўлганлиги учун, бир ибора турли муаллифларда турлича калькаланишга учраши мумкин. Бу ҳол ҳатто тилда синонимик ибораларнинг келиб чиқишига ҳам сабабчи бўлиши мумкин: чилдирмасига оёқ ташламоқ – ноғорасига ўйнамоқ каби.

3) Иборани халқ турмуши билан боғлаш унинг маъносини англашни енгиллаштиради. Шунинг учун ҳам ўзлашма (сўзма-сўз таржима) иборалардан кўра ўзлаштирама фразеологик бирликлар яшовчан бўлади ва халқ тилига тез сингиб кетади” [2:32].

Ш.Раҳматуллаев ўзлашган ибораларни ҳар икки тилда параллел ҳолда яшаб келувчи, қўлланувчи иборалардан фарқлашга интилади. Олимнинг таъкидлашича, бундай ҳар икки тилда параллел қўлланувчи ибораларнинг ҳар бири асосида унинг яратувчиси ва эгаси бўлган халқнинг тарихий тараққиёти давомидаги предмет, воқеа ва ҳодисалар ётади. Тилларда бир хил сўзлардан тузилиб, бир хил маънони ифодаловчи параллел иборалар кишилиқ жамияти учун умумий бўлган ўринларда учрайди. Бундай параллел иборалар ҳар бир тилда шу тилнинг эгаси бўлган халқнинг ўз конкрет тараққиёти асосида мустақил равишда шаклланган бўлади. Лекин олим “...икки тилдаги параллел иборалар ўз қурилишига ва образлигига кўра бири иккинчисини тўлиқ қопламайди”, - деб тўғри мулоҳаза юритади [2:32]. Мақолада *до иголки // итидан игнасиғача // миридан*

сиригача // қилидан қуйоуғигача; *умыть* (умывать) *руки* // қўлни ювиб қўлтиққа урмоқ; *задрать* (поднять) *нос* // бурнини қўтармоқ // бурнини бир қарич қўтармоқ сингари рус ва ўзбек тилларида параллел қўлланувчи иборалар грамматик-семантик жиҳатдан бирма-бир таҳлил қилиниб, шундай ҳаққоний хулосага келинган: “параллел фразеологик бирликлар бир-бирини тўлиқ қопламайди. Ўз тили қурилиши асосида шаклланиш, маъно даражасидаги умумийликка қарамай, бундай ибораларнинг мустикал тараққиёт йўлига эга эканлигини кўрсатиб туради” [2:35].

Ш.Раҳматуллаевнинг бу мақоласида ўзлашма фразеологизмлар ҳақидаги яна бир муҳим масалага муносабат билдирилган, яъни олим ўзбек тилида бошқа тилдан ўзлаштирилган бирор сўз-компонент асосида ташкил топган иборани ўзлашган ибора сифатида таҳлил қилиш мумкин эмаслиги таъкидлаб кўрсатган. Масалан, мақолада таъкидланишича, асосан жонли сўзлашув тилида кенг қўлланувчи “*истансаси йўқ*” ибораси рус тилидан ўзлашган сўз-компонент *станция* // *станса* асосида шакланган бўлса-да, бу иборани ўзлашган ибора деб бўлмайдиган, чунки рус тилининг ўзида бу сўз-компонент иштирокида тузилган ва худди шундай маънони ифодаловчи иборанинг ўзи йўқ. Шунга қўра, *истансаси йўқ* иборасини ўзбек тилининг ўз ибораси, деб ҳукм чиқаришга тўғри келади. Худди шунингдек, “*айтишмоқ*” маъносидаги “*а*” *деса*, “*б*” *демоқ*” ибораси ҳам ўзбек тилида янгидан яратилган фразеологик неологизм саналади. Бу мақолада олим ибора ўзлаштириш билан боғлиқ қуйидаги хулосага келган эди: “Умуман, фразеологик бирликларни ўзлаштириш лўғат составини бойитиш йўлларида биридир. Бундай ўзлаштиришлар халқлар ўртасидаги яқиндан бўлган ва бўлаётган иқтисодий ҳамда маданий алоқаларнинг меваляридир... Ўзлаштира иборалар ўзлаштирувчи коллективнинг тил қурилишига хос бўлган қонун-қоидаларга тўлиқ бўйсунди, шу туфайли бундай иборалар даврнинг ўтиши билан шу ўзлаштирувчи жамоанинг ўз тили бойлигига айланиб кетади. Фразеологик бирликларни уларнинг ўзлаштирилиши нуқтаи назаридан ўрганиш ҳар бир тилнинг ўз ички тараққиёт қонунлари асосида ривожланиб боришини тўла маънода тасдиқлайди” [2:36].

Ўзбек тилшунослигида ўзлашма ибораларнинг ўрганилиш тарихи қарийб ярим асрни ўз ичига олади. Бу масалага доир ёзилган илк мақолалардан бири Ш.Раҳматуллаев қаламига мансуб эканлиги юқорида таъкидлаб кўрсатилган эди. Бу ишда тилдаги фразеологизмлар ўз иборалар ва ўзлашган иборалар, деб икки гуруҳга ажратиб тасниф қилинган ҳамда ўзлашган ибораларнинг тилимизга кириб келишида араб, форс-тожик, айниқса рус тилининг таъсири мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилган эди 2., 25-37 А.Абдуназаров ўз ишида калька асосида ҳосил бўлган ўзлашма фразеологизмларни қуйидагича уч гуруҳга ажратиб таҳлил қилган эди: а) сўзма-сўз таржима (тўлиқ калька) асосида ҳосил бўлган фразеологизмлар: *ёғламасанг – юрмайди* // *не подмажешь – не поедешь*; *сеҳрли доира* // *заколдованный круг*; *чап чўнчакка урмоқ* // *класть в левый карман* ва бошқалар; б) айрим компонентларини сақлаш (ярим калька) асосида ҳосил бўлган ўзлашма фразеологизмлар: *калушка ўтирмоқ* // *сесть в галошу*; янги Америка кашф этмоқ // *открыть новую Америку* ва ҳоказо; в) рус тилидаги фразеологизмнинг маъноси асосида вужудга келган фразеологизмлар (семантик калька): *жўхоридан ачитмо* *гўжа бўлишини кашф қилмоқ* // *открыть Америку* кабилар 3., 20 Шунингдек, А.Абдуназаров ўз тадқиқотида “*чоригидан кашада қилмоқ*” (бировнинг оёғидан *тортмоқ*), “*қўрмақшў қилмоқ*” (нўстагини *қоқмоқ*) каби таркибида точикча компонентлари бўлган

фразеологизмларни диалектал иборалар деб, “*дафъи қазо қабл аз вужў*” сингари арабча ўзлашма ибораларни эса жаргон фразеологизмлар деб таҳлил қилади [3:17-18].

Ҳ.Жамолхонов “Ҳозирги ўзбек адабий тили” номли асарида ўзбек тили фразеологизмларини тарихан икки гуруҳга ажратиб тасниф қилади: а) ўз қатлам фраземалари; б) ўзлашган қатлам фраземалари. Олим ўзбек тилига бошқа тиллардан асосан калькалаш йўли билан (“*паишага озор бермаслик – муҳу не обидеть*”, “*паишадан фил ясамоқ – из мухи делать слона*”) ва ўзича, таржимасиз ўзлашган (“*дарди бедаво*”, “*сукут – аломати ризо*”) каби фраземаларни киритади [4:224-225].

Ўзлашма фразеологизмларнинг тилда вужудга келиши асосан фразеологик калька маҳсулидир. Тилшуносликда “калька”, “фразеологик калька” тушунчалари ҳозирги кунга қадар турлича изоҳланмоқда. Буни турли лўғатлар ва тадқиқотлардан олинган қуйидаги иқтибослар ҳам тўла тасдиқлайди:

А.Ҳожиев томонидан тузилган “Тилшунослик терминларининг изоҳли лўғати” (ТТИЛ, 2002) да “калька”, “калькалаш”, “фразеологик калька” атамаларига қуйидагича таъриф берилган:

Калька (фран. *calque* – копия, тақлид). Ўзга тил материалидан қисмма-қисм нусха олиш йўли билан ҳосил қилинган сўз ёки бошқа тил бирлиги. Калькалар лексик, семантик, фразеологик бўлиши мумкин (ТТИЛ, 47).

Калькалаш. Ўзга тилнинг лексик, фразеологик бирликларининг моделлари асосида ўз тил унсурларидан фойдаланиб, янги сўз ёки фразеологик бирликлар ҳосил қилиш (ТТИЛ, 47).

Фразеологик калька. Ўзга тил фразеологик бирлигидан қисмма-қисм нусха олиш йўли билан ҳосил қилинган фразеологик бирлик. Масалан, бармоқ орасидан қарамоқ фразеологизми русча *смотреть сквозь пальцы* фразеологизмининг калькалаш натижасида ҳосил бўлган (ТТИЛ, 125).

Н.Ҳотамов ва Б.Саримсоқовларнинг “Адабиётшунослик термин-ларининг русча-ўзбекча изоҳли лўғати” (АТРЎИЛ, 1979)да “калька”, “калькалаш”, “фразеологик калька” атамаларидан фақат “калька”га қуйидагича изоҳ берилган: **Калька** (фран. *calque* – тиник буюм, қоғоздаги нусха сўзидан) – калька. Сўз ёки иборани бир тилдан иккинчи тилга сўзма-сўз, айнан таржима қилиш. Бунда айнан таржима қилинган сўз ёки ибора асосида ётувчи тушунча ҳам таржима қилинган тил вакиллари ҳаётида мавжуд бўлиши лозим. Масалан, “*железная дорога*” сўзи Ўрта Осиёда темир йўл пайдо бўлган бир вақтда ўзбек тилига “*темир йўл*” тарзида айнан таржима қилинди. Ҳаётда техникага оид янгиликлар пайдо бўлар экан, шу воқеа ва янгиликларни тасвирловчи калькалар бадиий асарларда ҳам кўплаб учрайди (*космический корабль – космическая кема* каби). Улар янги тушунча билан боғлиқ холда миллий тилнинг лўғат фондини, унинг ифода воситаларини бойитиб боради (АТРЎИЛ, 131-132).

“Ўзбек тилининг изоҳли лўғати” (ЎТИЛ)да “калька” сўзининг полисемантик сўз сифатида қуйидаги уч маъноси изоҳланган:

Калька [р < фр] 1. Чизма ёки расм нусхасини тушириш учун махсус ишланган шаффоф қоғоз ёки мато. **Калька билан расм олмақ**.

2. Чизма ёки расмнинг шундай қоғоз ёки матога туширилган нусхаси.

3. **лингв.** Бошқа тилдан сўзма-сўз таржима қилиш йўли билан ясалган сўз ёки ибора. “*Дунёқараиш*” сўзи русча “*мировоззрение*” сўзининг, “*ишчи кучи*” эса “*рабочая сила*” иборасининг калькаси (ЎТИЛ, 1, 362).

2006 йилдан бошлаб “Ўзбек тилининг изоҳли

луғати” янги нашри эълон қилинаётганлиги маълум. Биз бу янги ЎТИЛнинг 2- жилдида “калька” атамасининг қуйидаги изоҳига дуч келдик:

Калька [фр. calque – нусха, таклид] 1. Чизма ёки расм нусхасини тушириш учун махсус ишланган шаффоф қоғоз ёки мато. **Калька билан расм олмоқ. Нусха олинадиган чизма устига чизма варагидан сал катта калька вараги қўйиш керак** (А.Абрикосов. Чизмачилик).

2. Чизма ёки расмнинг шундай қоғоз ёки матога туширилган нусхаси. **...бепоён чўлни тўрт киши кезиб юрибди. Уларнинг қўлида планишет, калькалар туширилган турли ўлчам ва схемалар** (Р.Ўроков. Қарши чўлида).

3. **т.ш.** Бошқа тил луғавий бирлигидан она тили воситалари билан сўзма-сўз таржима қилиш орқали ясалган сўз ёки ибора. **“Дунёқараш” сўзи русча “мировоззрение” сўзининг, “ишчи кучи” эса “рабочая сила” иборасининг калькаси** (ЎТИЛ-5, П, 303).

Янги ЎТИЛнинг аввалгисидан яна бир фарқи шундаки, унда “калька” сўзи изоҳидан кейин “калькаламоқ” сўзи ҳам келтирилади ҳамда унга қуйидагича изоҳ берилади:

Калькаламоқ 1. **тех.** Калькага кўчирмоқ. **Чизмани калькаламоқ.**

2. **т.ш.** Калька йўли билан ҳосил қилмоқ. **Калькалаб термин ясамоқ** (ЎТИЛ-5, П, 303) ва бошқалар.

Бундан кўринадики, янги ЎТИЛда калькалаш йўли билан фақат термин яшаш назарда тутилган. Бизнингча, калькалаш йўли билан оддий сўзлар ва фразеологизмлар ҳам ҳосил қилиш мумкин. Бу ҳолат юқоридаги лексикографик изоҳда ҳам ўз аксини топиши лозим эди.

Маълумки, ҳар бир тил, асосан ўз луғат бойлиги ва грамматик қурилиши асосиб ўсиб такомиллашади. Халқлар орасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар натижасида бир тилдан иккинчи тилга луғавий бирликлар, фонетик ва грамматик шакллар ҳам ўзлашиб боради. Шу нуқтаи назардан тилда ўз қатлам билан бир қаторда ўзлашган қатламнинг ҳам салмоғи ошиб боради.

Баъзан шоир ва ёзувчилар ўз асарларида ўзлашма фразеологизмлар таркибини янгилашга интиладилар. Бу эса иборанинг таъсирчанлик қувватини янада оширишга хизмат қилади. Масалан, адабий тилда хурсандлик, шод-хуррам бўлиб, ялло қилиб юриш маъносини билдириш учун **“дўпписини яримта қилиб”, “дўпписини осмонда”** иборалари қўлланилади (ЎТФЛ, 79). Шоир Эркин Воҳидов худди шу маънони ифодалаш учун таркибида арабча “дол” сўз-компоненти бўлган **“дўпписини дол қўндириб”** иборасидан фойдаланади. **“Дўпписини яримта қилиб юрмоқ”** умумтил ибораси таркибидаги “яримта” сўз-компонентини арабча “дол” сўзи билан алмаштириш асосида юзага келган бу янги ибора китобийлик, таъсирчанлик доирасининг ошишига восита бўлган: **Қаҳрамоним // Ўлтирибсан сен // Рўпарамда комтарин, доно // Ўз ишингни дўндирибсан сен // Дўппини дол қўндирибсан сен // Тупроқда зар ундирибсан сен...** (2-том, 19) кабилар.

Фразеологик калька дейилганда бошқа тилдаги иборани

рани ўз тилига сўзма-сўз таржима қилиш тушунилади [5:55-56]. К.Юсупов кальканинг қуйидаги уч турини фарқлайди:

1. Тил фактларида сўзма-сўз таржима қилиш йўли билан ҳосил қилинган сўзлар **лексик калька** дейилади.

2. Бошқа тилда мавжуд бўлган кўчма маъноли сўзлар ёки сўз бирикмалари таъсирида иккинчи тилда худди шундай бирикмалар ҳосил қилиш **фразеологик калька** саналади.

3. У ёки бу тилда бошқа тил таъсири оқибатида ҳосил қилинган синтактик моделлар **синтактик калькага** киради. Шундан кейин К.Юсуповнинг монографиясида **пусть земля будет пухом // тупроги энгил бўлсин, легкая кавалерия // энгил кавалерия, скорая помощь // тўхтовсиз ёрдам // тез ёрдам, почетная грамота // тақдир хати // фахрий ёрлиқ** сингари фразеологик калькаларга 20-йиллар ўзбек матбуотидан мисоллар таҳлил қилинади ҳамда қуйидаги хулосага келинади: **“Ўзбек вақтли матбуоти тилида рус тили материалидаги фразеологик бирикларни калькалаш ўз даври учун катта аҳамиятга молик бўлиб, газетхонларда қизиқиш уйғотган. Бошқа тилларда бўлганидек, ўзбек адабий тилида, ўзбек вақтли матбуоти саҳифаларида лексик калькага нисбатан фразеологик калька кам учрайди. Бу ҳол албатта табиий ва қонунийдир. Фразеологик калькалар тилдаги фразеологик қатламнинг бойишига катта ёрдам беради”** [5:55-56].

А.Ҳожиев фразеологизмларни ўз ва ўзлашган қатламга ажратади ҳамда уларни қуйидагича изоҳлайди:

Худди лексикадаги каби, фразеологияда ҳам ўз ва ўзлашган қатлам бор. Фразеологиянинг асосий қисми ўз қатламга оид фразеологизмлардан иборат, ўзлашма қатлам кам миқдорни ташкил этади. Лекин, биринчидан, сўз ўзлаштиришга нисбатан фразеологизмни ўзлаштириш жуда кам даражада бўлса, иккинчидан, фразеологизмлар ўзга тилдан айнан ўзича эмас, асосан калькалаб ўзлаштирилади.

Рус тилининг таъсирида ҳам кўпгина фразеологизмлар пайдо бўлди: **темирни қизигида бос (қуй жезе, пока горячо), бармоқ орасидан қарамоқ (смотреть сквозь пальцы)** кабилар [6:144].

Умуман олганда, калька ва ярим калька йўли билан тўхтовсиз ўзлашиб бораётган фразеологизмлар тилимизда кўпроқ китобий услубларда кенг қўлланоқда. Масалан:

рус тилида	ўзбек тилида
открыть Америку -	Америка очмоқ;
выйти из воды сухим -	сувдан қуруқ чиқмоқ;
проходить красной нитью -	қизил ип бўлиб ўтмоқ;
поставить точку -	нуқта қўймоқ;
выйти из игры -	ўйиндан чиқмоқ кабилар:

Хуллас, ўзлашма иборалар ҳам тилнинг фразеологик бирикларининг бойишида маълум даражада ўз ҳиссасини қўшади. Уларни ўзлаштириш асосан жонли сўзлашув орқали ва босма манбалар орқали амалга ошади. Шунингдек фразеологизмларни ўзлаштиришнинг айнан ўзлаштириш олиш ва калькалаб олиш усуллари кенг тарқалган бўлиб, уларни тадқиқ этиш тилшунослар олдидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Балли Ш. Французская стилистика. Перевод с французского К.А.Долинина. - М.: Изд-во иностранной литературы, 1961. - С. 68.
2. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги замон ўзбек тилидаги ўзлаштира фразеологик бириклар ҳақида. // Ўрта Осиё Давлат университети (САГУ) илмий асарлари, Х1У чиқиши, Ўзбек тилшунослиги масалалари. -Тошкент: 1957, 25-37-б.
3. Абдуназаров А. Некоторые вопросы развития лексики и фразеологии узбекского литературного языка 20-х годов (на материале сатирического журнала “Муштум”), Автореф. дис... канд. филол. наук. -Ташкент: 1969.
4. Жамолхонов Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент: “Талкин” 2005, 224-225-б.
5. Юсупов К. Ўзбек адабий тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари. -Тошкент: “Фан”, 1986.
6. Шоабдурахмонов Ш., Аскарова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. -Тошкент: “Ўқитувчи”, 1980.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола ўзбек тилига ўзлашган русча ибораларнинг таҳлилига бағишланган. Шунингдек, унда ибораларнинг ўзлашиш жараёنларининг ўзбек тилшунослигида ёритилиши масалалари ҳам баён этилган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается анализу фразеологизмов русского языка употребляемых в узбекском языке. А также освещаются вопросы процесса взаимных фразеологизмов в узбекском языкознании.

SUMMARY

The article is devoted to the analysis of Russian phraseological units used in the Uzbek language. The questions of the process of reciprocal phraseological units in Uzbek linguistics were also investigated.

ШЕЪРИЙ МАТНДА ИНТЕРРОГАТИВ КОНСТРУКЦИЯЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Т.Р.Аллаёров - мустақил изланувчи

Алишер Навоий номидаги ТДЎТАУ

Таянч сўзлар: тилшунослик, интеррогация, сўроқ гаплар, стандарт тил қонуниятлари.

Ключевые слова: языкознание, опрос, вопросительные слова, стандартные языковые закономерности.

Key words: linguistics, survey, interrogative words, standard language patterns.

Интеррогация сўзи “сўроқ, сўраш, савол, муаммо” деган маънони билдиради. Луғатларда шундай изоҳланади: “Оксфордский толковый словарь по психологии – *интеррогация*. Речевой акт, в котором говорящий запрашивает информацию у слушателя. Оксфордский толковый словарь по психологии. 4. Большой англо-русский словарь – *interrogative*. 2) грам. вопросительный interrogative pronoun ≈ грам. вопросительное местоимение. 3) любопытный, любознательный, задающий много вопросов Syn: *inquisitive*.”

Мазкур термин тилшуносликда сўроқ гаплар учун ишлатилади. Интеррогатив вазият нутқнинг турли кўринишларида намоён бўлади. Диалогик ва монологик нутқда қўлланиладиган интеррогатив вазият бадий матннинг лисоний қатламдорлигини таъминловчи воситалардан бири саналади. Ички нутқ муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб борган В.Н.Волошинов тил фалсафасининг энг муҳим муаммоларидан бири бўлиш баробарида, психология ва тилшунослик фанлари интеграциясида ва бевосита тил ва тафаккур тушунчалари доирасида инсон фаолиятининг барча жиҳатларини қамраб олади. Замонавий илм-фанда монологик нутққа нисбатан камида икки ёндашув мавжуд: махсус психологик, табиий ички нутқ ҳамда композицион-услубий ички нутқ (ИН2). Иккинчи ёндашув М.М.Бахтин, В.В.Виноградов, Б.А.Успенский каби олимларнинг қарашларига асосланади. Унда ички-монологик нутқ тасвирланаётган объектнинг полифоник ва жозибатор бўлишини таъминлашга қай даражада хизмат қилиши текширилади. Бадий асардаги ички нутқ табиий-психологик ички нутқдан фарқ қилиши лозим. Бу нутқ ўзига хос табиий ички нутқнинг иллюзияси ҳисобланади. В.В.Виноградов шундай ёзади: “бадий асарлардаги ички монологик нутқ натуралистик тарзда (қандай реаллашган бўлса шундай) акс этмаслиги лозим. Унда ҳар доим – ҳатто психологик аниқлик талаб этиладиган бўлса ҳам – сезиларли даражада шартлиликка амал қилинган бўлиши лозим.”

Ўзбек тилидаги сўроқ гаплар ўзига хос грамматик хусусиятларга эга. Сўроқ гапларнинг кесими, одатда, аниқлик майлидаги феълдан ясалган бўлади. Ўзбек ва бошқа туркий тилларда ҳам сўроқ гапларнинг кесими 1- ва 3-шаксда буйруқ ва орзу-истак майлидаги феъллардан ҳам ясала олади (қачон келай? нима қилай? қачон келсин? нима қилсин?): *Нима чалиб берай, Эшон ака?* Сўроқ гаплар ҳам тасдиқ ва инкор формада келиши мумкин. Лекин сўроқ гапларда инкорнинг ишлатилиши дарак гаплардагидан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам дарак гапларда ишлатиладиган инкор гап (инкор ҳукм англатувчи) терминини сўроқ гапларга нисбатан қўллаб бўлмайди. Сўроқ сўзлар (сўроқ олмошлар ва равишлар) ёрдами билан ясалган сўроқ гапларнинг ҳаммаси ҳам бўлишсиз формага эга бўлмайди. Сўроқ сўз сўроқ гапларнинг кесими бўлиб келганда, сўроқ гап ҳеч вақт инкор формага эга бўлмайди. Масалан: *Эй бобо,*

анави уч ўтов кимники? (эртақдан) *Уларнинг номи нима?* (М.Шайхзода). Сўроқ сўзлар ёрдами билан тузилган сўроқ гапларнинг айрим турлари ҳам тасдиқ, ҳам инкор формага эга бўлади. Масалан: *Нимага сенинг сизиларинг шунча сўт беради?* - *Нимага сенинг сизиларинг шунча сўт бермайди?* Бу типдаги сўроқ гапларни сўроқ инкор гаплар деб юритиш мумкин, лекин улар дарак инкор гапларга функцияси жиҳатидан тўғри келмайди. Сўроқ гаплар типологик жиҳатдан қуйидагича тасниф қилиш мумкин: 1.Юкламалар ёрдамида шаклланган сўроқ мазмунли гаплар. 2.Сўроқ маъносини ифодаловчи сўзлар ёрдамида шаклланган сўроқ мазмунли гаплар. 3.Оҳанг ёрдамида шаклланган сўроқ мазмунли гаплар. Лекин унутмаслик керакки, мазкур гапларнинг ҳар бирида сўроқ оҳанги албатта иштирок этади.

Юкламалар ёрдамида шаклланган сўроқ мазмунли гаплар. Ҳозирги ўзбек тилида сўроқ асосан қуйидаги юкламалар билан ифодаланади: **–ми, –чи, –а, –да юкламаларининг бири + интонация ёрдами билан.** Ҳозирги ўзбек тилида (умуман бошқа туркий тилларда ҳам) сўроқ юкламалар баъзи хинд-европа тилларидагига нисбатан сўроқ ифодалашда актив иштирок этади. Бу юкламалардан энг маҳсулдори **–ми** сўроқ юкламасидир. Шеърий нутқда мазкур сўроқ юкламаси таъкидни кучайтириш учун ишлатилади. Таъкид айти юкламанинг такрорида янада аниқ намоён бўлади. Масалан:

Шоир!

Сен бу неъматларнинг ёқут кўркига

Боқдингми, уларга лабинг тегдингми?

Демак, сен қарздорсан.

Одамлар кўнглига

Сен ҳам битта ниҳол экдингми?

Баҳра ололдингми бир зот юраги?

Бирор қалб гўборин юва олдингми?

Сен ҳам ўз шеърларинг замиридаги

Шўр сувларни қува олдингми? (Э.Воҳидов)

–ми юкламасининг ўзбек тилида ишлатилиш доираси ниҳоятда кенгдир. Бу юклама қадимий ёзма ёдгорликларда ҳам кенг ишлатилганлигини тадқиқотчилар қайд этишади. **–ми** сўроқ юкламасининг қадимги ёдгорликларда ҳам кўп учраши бошқа барча туркий тиллар учун ҳам умумий эканлигини тасдиқлайди. Мазкур юклама қадимги туркий ёдгорликларда ҳам, эски ўзбек тилида ҳам **–му** шаклида ишлатилган. Бу юкламанинг **–му** шакли ҳозирда ҳам шеърий нутқда ишлатилади. Масалан:

Инсон юрган йўлларга атласдек узанганму?

Камалак ҳам атласдан андоза кўчирганму?

Уфқларнинг дудоғи қизарганму атласдан?

Куз ҳам атлас пардозин ўчирганму?

Навбаҳор ўз кўксини безарканму атласдан? (Б.Бойқобилов)

Шавкат Раҳмон ўз шеърларида сўроқ юкламасининг мазкур шаклини қўллаш орқали шеърда айтилган муаммонинг узоқ вақтдан бери ечилмай келганлигини